

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

22 “ ИЮНЬ ” 2018 й. г. № 466

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш
ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 апрелдаги ПФ–5416-сон Фармони ижросини таъминлаш, юртимизда Қуръон илми, ҳадис, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар ва бошқа халқаро миқёсда эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 апрелдаги ПФ–5416-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (кейинги ўринларда Дин ишлари бўйича қўмита деб аталади) ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигидаги диний ва дунёвий билим беришга ихтисослашган етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланган Ўзбекистон халқаро ислом академияси (кейинги ўринларда Академия деб аталади) ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Академиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Қуръон илмлари, ҳадиси шариф, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, ислом тарихи, манбашунослиги ва фалсафаси каби диний таълим йўналишлари, диншунослик, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар, зиёрат туризми ҳамда мумтоз шарқ адабиёти сингари дунёвий таълим йўналишлар ва мутахассисликлари бўйича бакалаврлар ва магистрлар, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб боровчи илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

республикадаги барча ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъёрий ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштириш;

ислом динининг асл моҳиятини ва инсониятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этиш;

кадрлар тайёрлаш жараёнига етук мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилиш орқали илм-фан ҳамда таълимнинг ўзаро интеграциясини чуқурлаштириш;

ўқитишнинг замонавий услуб ва методлари, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг жорий этиш асосида таълим сифатини ошириш;

илмий тадқиқотлар натижалари бўйича диний-маърифий, маънавий-ахлоқий йўналишлардаги илмий, илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғида таълим ресурсларини яратиш ва мунтазам янгилаб бориш;

ислом оламида юзага келаётган долзарб масалалар, замонавий сиёсий жараёнларга оид илмий-амалий анжуманлар ўтказиш;

мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ва хорижий олий диний таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни таълим жараёнига жалб қилиш, шунингдек, Академия мутахассисларини нуфузли хорижий олий диний таълим ва илмий муассасаларга малака ошириш ҳамда тажриба орттириш учун юбориш, талабаларнинг академик алмашинувини йўлга қўйиш.

3. Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг тузилмаси иловага мувофиқ маъқуллансин.

Академия ректорига, зарур ҳолларда, Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан келишган ҳолда Академия тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки:

Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси Академия фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

Академия ўз фаолиятида бевосита Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси олдида ҳисобдордир;

Академиянинг ихтисослашган мактаб, академик лицей, бакалаврият ва магистратура босқичлари битирувчиларига бериладиган давлат намунасидаги ҳужжатлар (шаҳодатнома ёки диплом) Ўзбекистон Республикасида муайян мутахассисликлар бўйича тегишлича умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжат деб эътироф этилади;

Академияда бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул квотаси мавжуд талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, муассислар томонидан Иқтисодиёт ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан келишган ҳолда белгиланади;

Академия магистратурасига олий таълим муассасаларининг камида бакалавр даражаси дипломига эга бўлган ҳамда Академияда тайёрланадиган мутахассисликлар ихтисослигига мос келадиган йўналишларни битирган Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар фуқаролари қабул қилинади.

Академия битирувчиларига умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида соҳага тегишли фанлар бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади.

5. Академия фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобига молиялаштирилиши инобатга олинсин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

муассислар томонидан ажратиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари, хорижий ва донор ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси:

а) бир ой муддатда муддатда:

Академия уставини тасдиқлаш, шунингдек, уни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўрсин;

Тошкент ислом университети ва Ўзбекистон ислом академияси негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилганлиги муносабати билан уларнинг профессор-ўқитувчилари ва ходимларини аттестациядан ўтказсин;

б) Тошкент ислом университетида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича таълим олаётган талабалар 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Академияда ташкил этилаётган таълим йўналишлари (зиёрат туризми, халқаро муносабатлар, мумтоз шарқ филологияси, ислом тарихи ва манбашунослиги)нинг тегишли равишда 2, 3 ва 4-курсларида ўқишни давом эттиришларини таъминласин.

в) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

аттестация натижалари бўйича лавозимидан озод қилинадиган ходимларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа ташкилотларга мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилишига кўмаклашсин;

Академияда тайёрланадиган мутахассисликлар учун малака талабларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Тошкент ислом университетининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таълим олиб, уни 2017/2018 ўқув йилларида битираётган 4-курс бакалаврият босқичи ҳамда 2-курс магистратура босқичи талабаларига ўрнатилган тартибда тегишли йўналиш ва мутахассислик бўйича Тошкент ислом университетининг бакалаврлик ва магистрлик дипломлари берилади;

Тошкент ислом университетининг ўқишни бошқа олий таълим муассасаларида давом эттириш истагини билдирган 2 ва 3-курс талабаларининг ўқишларини кўчириш Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига мувофиқ, улар таҳсил олган давлат гранти ёки тўлов-контракти асосидаги таълим шаклини сақлаб қолган ҳолда амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг асосланган ҳисоб-китобларига биноан Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурининг 2019 йил ва кейинги йиллар учун мўлжалланган параметрларини шакллантиришда Академиянинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси ҳисобига маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси Академия учун қуриладиган ва унга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериладиган биноларни реконструкция қилиш, мукамал (капитал) таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

Бош лойиҳа ва бош пудратчи ташкилотлар белгиланган тартибда тендер ёки танлов ўтказиш натижалари асосида аниқлансин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Академиянинг республиканинг бошқа ҳудудларидан келиб таълим олаётган талабаларининг турар жойга бўлган эҳтиёжини инобатга олиб, Академияга яқин бўлган ҳудуддан талабалар турар жойи учун мос бино ажратиш юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда:

етақчи хорижий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларини Академияда маъруза ўқиш, илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга жалб қилиш;

Академия профессор-ўқитувчиларини хорижий давлатларнинг таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, малака ошириш ҳамда тажриба орттириш учун юбориш чораларини кўрсин.

12. Қуйидагилар:

Академияга ўқишга қабул қилиш тартиби Академиянинг муассислари томонидан белгиланиши инобатга олинсин ва 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Академияга талабалар кундузги таълим шаклига суҳбат кўринишида ижодий имтиҳон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва номли давлат стипендиялари Академия иқтидорли талабаларига ҳам татбиқ этилсин;

Академиянинг бакалаврият ва магистратура босқичларини битирган талабалар ўз ихтисослиги бўйича давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ишга қабул қилинишида давлат таълим муассасалари битирувчилари билан тенг ҳуқуққа эга бўладилар, уларга нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тошкент ислом университети битирувчиларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 2003 йил 11 августдаги 347-сон қарори талаблари қўлланилсин;

Академияга 3 та, шу жумладан 1 та хизмат, 1 та навбатчи ва 1 та махсус автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилсин.

13. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси Академия фаолиятини ривожлантириш, илмий-педагогик ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан хизмат сафарларига борадиган Академия раҳбарлари ва хорижий мутахассисларга ҳамда ушбу муассаса томонидан келгусида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этадиган юқори мартабали меҳмонларга Академиянинг буюртманомаларига мувофиқ Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортининг VIP ва СІР заллари орқали белгиланган тартибда хизмат кўрсатилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Академияни сақлаш харажатларини 2018 йилда ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда:

Академия билан биргаликда “Исломшунослик” таълим соҳаси ва унга тааллуқли йўналишларни (бакалаврият) ҳамда мутахассисликларни (магистратура) жорий этиш ва уни Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда Академияда ўқув машғулотларини ўтказиш учун салоҳиятли ва юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш, Академияни ўқув режалари ва дастурлари ҳамда ўқув-методик қўлланмалар ва материаллар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Академия фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида Академияни алоқа воситалари, кенг қамровли Интернет тармоғи ва бошқа техник воситалар билан белгиланган тартибда таъминлаш чораларини кўрсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ж.К. Акрамов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов



Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг
ТУЗИЛМАСИ*



* Академия (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

** Академиянинг бюджетдан ташқари (тулов-контрактлар ҳисобидан ташқари) маблағлари ҳисобидан таъминланади.

*** Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловларнинг натижалари бўйича ажратиладиган грантлар, шунингдек, халқаро молия институтлари ва бошқа институтларнинг, хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари ҳисобидан таъминланади.